O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV №

Миллий тиклaниш — миллат келажаги

MILLIY TIKLANISH

2006-yil, 6-sentabr, chorshanba, 36 (366)-son.

Gazeta 1995-yil, 10-iyundan chiqa boshlagan

Haftalik gazeta

O'zbekiston "Milliy tiklanish" demokratik partiyasining ijtimoiy, siyosiy, iqtisodiy gazetasi



ЎЗБЕКИСТОН ҚАҲРАМОНЛАРИ

Мамлакатимиз мустақиллигининг 15 йиллик байрами арафасида «Усто» ижодий уюшмасининг Қўқон бадиий ишлаб чиқариш корхонаси ёғоч-ўймакор устаси Абдуғани Абдуллаев Президентимиз Фармони билан «Ўзбекистон Қаҳрамони» унвони билан мукофотланди.

Абдуғани ака нақшинкор айвонлар, устунлар, шарқона эшик ва дарвозалар ижодкори сифатида танилган. Юртимизда бу қўли гул уста тўғрисида эшитмаган одам кам бўлса керак. У қурилишида иштирок этган иншоотлар бугун мамлакатимиз чиройини бутун дунёга кўз-кўз қилмоқда. Пойтахтимиздаги «Хотира майдони», Ўзбекистон маданияти ва санъати кўргазмаси, «Қатағон қурбонлари хотираси» музейи, Самарқанддаги Ал-Бухорий, Бухородаги Баҳоуддин Нақшбанд мажмуалари ва бошқалар фикримизнинг далилидир.

СУРАТДА: ёғоч-ўймакор устаси Абдуғани АБДУЛЛАЕВ.

Абдуғани ЖУМА олган сурат.

ФАОЛЛАР ТАШАББУСИ

ЎзМТДП Қашқадарё вилояти Косон туман кенгаши ташаббуси билан «Мудин» маҳалла фуқаролар йиғинида «Маънавият инсоннинг камолот мезонидир» мавзуида давра суҳбати бўлиб ўтди.

* * *

Мустақиллигимизнинг 15 йиллиги муносабати билан партиянинг Хоразм вилояти Гурлан туман кенгаши томонидан «Обод маҳалла» тадбири ўтказилди.

* * *

Фуқаролик жамиятини ўрганиш институти ва сиёсий партиялар ташаббуси билан нодавлат, нотижорат ташкилотлари бошчилигида Тошкент вилояти Бўстонлиқ туманидаги «Хумсонбулоқ» оромгоҳида ёш лидерларни тайёрлаш борасида ўн кунлик ўқиш бўлиб ўтди.

* * *

ЎзМТДП Самарқанд вилояти Каттақўрғон туман кенгаши томонидан «Мустақиллик энг улуғ ва энг азиз байрам» мавзуида тадбир ўтказилди.

* * *

Партиянинг Андижон вилоят кенгаши ташаббуси билан «Эркинлик ва демократия ниқоби остидаги ўйинлар» мавзуида учрашув ташкил этилди.

* * *

Ўзбекистон Мустақиллигининг 15 йиллиги байрами муносабати билан ЎзМТДП Қорақалпоғистон Республикаси, туман ва шаҳар кенгашлари ташаббускорлигида ногиронлар, қариялар ҳамда меҳрибонлик уйидаги кўнгли ярим инсонлар ҳолидан хабар олинди.

* * *

ЎзМТДП Хоразм вилояти Шовот туман кенгаши томонидан «Соғлом авлод келажагимиз пойдевори» мавзуида тадбир ўтказилди.

* * *

Партиянинг Сирдарё вилояти Гулистон туман кенгаши ташаббуси билан «Саховат» мавзуида учрашув ташкил этилди.

* * *

ЎзМТДП Самарқанд вилоят кенгаши «Ёшлар қаноти» ташаббуси билан «Истиқлол ва ёшлар» мавзуида тадбир ўтказилди.

* * *

«Ҳомийлар ва шифокорлар йили» давлат дастури доирасида ЎзМТДП Жиззах шаҳар кенгаши томонидан «Ҳомийлик саховатпешаликдир» мавзуида тадбир бўлиб ўтди.

* * *

Партиянинг Фарғона вилоят кенгаши ташаббуси билан республикамиз Мустақиллигининг 15 йиллигига бағишлаб «Ўзбекистон — Ватаним маним» фестивали бўлиб ўтди.

* * *

ЎзМТДП Қашқадарё вилояти Миришкор туман кенгаши томонидан «Ободон» маҳалла фуқаролар йиғинида «Биз — буюк зотлар авлодимиз» мавзуида тадбир ўтказилди.

ЎзМТДП Марказий кенгаши матбуот хизмати.

Истиқлол маданияти

МАЪНАВИЙ БАРКАМОЛЛИК

турмуш тарзимизга айланиши зарур

Маънавиятли инсонларни халқимиз ҳамиша эъзозлаб, ҳурмат қилади. Улар эл-юрт орасида иззатда бўлишади, уларга ишонишади. Одамларнинг оғирини енгил қилишга интилиб яшайдиган кишилар эл назарига тушади, ҳурмат топади.

Миллий тотувлик деган оддийгина сўз бор. Миллатнинг бирлиги катта ишларга сабаб бўлади. Марказий Осиё деб аталадиган қадим юртнинг тарихий илдизи жуда чуқур томир отган. Бироқ мустамлакачилик даври бизни туркман, қозоқ, қирғиз ва бошқа қардош миллатлардан ажратиб ташлади. Ҳолбуки, халқ айтганидек, қўшнинг тинч бўлса, сен ҳам тинч яшайсан. Дунёда шундай иллатлар борки, улар на бир чегарани, на бир қонун-қоидани тан олади. Бир ҳудудда яшайдиган халқлар терроризм, гиёҳвандлик каби иллатларга қарши ҳамжиҳатликда курашмас экан, яхши натижага эришиб бўлмайди. Бу — тан олинган ҳақиқат.

Ўсиб келаётган ёш авлодни мустақил фикрлашга янада кўпроқ ўргатиш зарур. Бунинг учун уларни бадиий асарлар, кундалик газеталарни ўқиб боришга ўргатишимиз керак. Бундан ташқари, ёшларимизнинг ҳуқуқий билимларини ошириш, уларни қонунларни яхши билишга, тил ўрганишга жалб этиш ҳам муҳим аҳамиятга эга.

Ҳар бир миллатни миллат сифатида ушлаб турадиган жиҳатлар бор. Бу унинг тарихи, тили ва миллий анъаналари, ўлмас қадриятларидир. Уларда миллатнинг маънавий дунёси ўз аксини топади. Миллий қадриятларни эъзозлаш одамнинг руҳий дунёсини тарбиялайди, унинг маънавий оламини кенгайтиради. Тарихга назар ташласак, зиёли деб эъзозланган кишилар барча ишда замондошларига ўрнак бўлиб келишган. Ҳар бир замонда маънавий оламни поклаш, кишилар онгини тараққиёт даъват этган томонга йўналтириш зиёлилар, ижодкорлар зиммасида бўлган. Бу нарсанинг уддасидан чиқишда уларга ўрнида сўзлай билиш, лафзида туриш, сўз ва иш бирлигига эришиш ёрдам берган доимо. Бу борада ўтмиш аждодларимизнинг оддий тикувчиси-ю, уста наққоши ҳам ниҳоятда зукко бўлгани аждодларимиздан қолган ўлмас меросимиздан маълум.

Партиямиз дастурида тараққиёт сари боришимизда миллий қадриятлар ва умумбашарий тамойиллар уйғунлигига эътибор қаратилади. Ҳавас қилса арзигулик бой меросимиз, ўтмиш тамаддуни пойдеворига қурилган миллий маданиятимиз бор. Бу маданият — сўзлашув маданиятимизда, санъатимизда, турмуш тарзимизда ўз ифодасини топмоқда. Бироқ маданият деганда хорижнинг ялтироқ, бадахлоқ «замонавий»лигини тушунадиганлар ҳам бор. Уларга бу тўғрида гапириш беҳуда. Пойтахтимиз кўчаларида сўнгги мода мана бундай бўлади, деб атрофдагилар назарини писанд қилмай, очиқ-сочиқ кийинишни ўзига эп кўрганларни ҳар қадамда учратиш мумкин. Улар ҳам бирор марта миллий маданиятимизни сақлаб қолиш ҳақида ўйлашганмикан? Ҳаётимизга зимдан нигоҳ ташласак, оғриқ нуқталаримиз ҳам учрайди. Улардан қутулишнинг ягона чораси маъанавий баркамолликдир аслида. Қачон шуни англаб етсаккина, барча қусурлардан халос бўламиз.

Ҳар қандай мулоқот жараёнида шахснинг маънавий қиёфаси муомаласидан сезилиб туради. Биринчи учрашувда суҳбатдошингизда қандай тассурот қолдиришингиз ҳам маънавий оламингизга боғлиқ.

Демак, ҳар бир ишимизда, ҳаёт тарзимизда бошқаларга ибрат бўлишга одатланишимиз, маънавий баркамоллик ҳаёт тарзимизнинг биринчи талаби бўлмоғи керак. Шундагина бошқалар биздан ўрнак олишади.

Насиба ОЧИЛОВА.

Партия пленуми олдидан

ШИОРИМИЗ — ДОИМИЙ ФАОЛЛИК

Ҳар бир партия ўз ишини жонлантиришда жойлардаги кенгашлари мададига таянади. Жумладан, партиямиз ҳам. Шу боисдан ЎзМТДПнинг навбатдаги Пленуми олдидан партиянинг вилоят кенгашларида олиб борилаётган ишларни таҳлил қилиш мақсадида вилоят кенгашлари раҳбарларига бир неча саволлар билан мурожаат қилинди.

1. Кенг омма эътиборини партияга жалб қилиш борасида қандай ишлар олиб бориляпти?

2. Партия ташкилотлари ишини йўлга қўйишда қандай муаммолар мавжуд?

3. Партия фаолиятини жонлантириш учун қандай чора-тадбирлар кўриш керак деб ўйлайсиз?

Жавоблар вилоят кенгашлари ишининг таҳлилномаси гўё. Яхши таклиф ва мулоҳазали фикрлар мавжуд. Муаммоларнинг ечимини топиш юзасидан юритилган фикрларда сафдошларимизнинг янгиликларга интилиши, ташаббускорлиги ва партия ишини янада яхшилашга умид боғлаётганлари сезилади. Улардан айримларини эътиборингизга ҳавола этамиз.

Б.БОБОЖОНОВ, ЎзМТДП Хоразм вилоят кенгаши раиси:

1. Бошланғич партия ташкилотлари ва аъзолар сонини ошириш учун ташкилот, корхона ва муассасаларда учрашув ва мулоқотлар, турли мавзудаги тадбирлар ўтказилмоқда. Кенгашимиз томонидан тайёрланган бошланғич партия ташкилотлари кундалиги, партия солномаси ҳар бир йиғилишда омма орасида тарқатилмоқда.

2. Ишни янада жонлантиришга тўсиқ бўлаётган биринчи муаммо бошланғич партия ташкилотлари билан алоқанинг йўқлиги ёки сустлигидир. Фаолиятимизни таҳлил қилиб кўрсак, ҳар ойда бир марта бир туманда ёки корхона ва ташкилотларда тадбир ўтказиш орқали биз атиги 10 фоиз партия аъзолари билан алоқа қилишга эришаётганимиз маълум бўлади. Бу ниҳоятда кам, ҳар ойда ҳеч бўлмаганда 50 фоиз партия аъзолари билан алоқа боғлай олсак, ҳар бир аъзони 2 ойда бир марта партия ишига жалб қила олар эканмиз. Бошланғич ташкилотда умумий йиғилишларни ўтказиш, ҳар бир йиғилишда долзарб муаммоларни ҳал этишга одатланиш самарали натижа беради. Ишни шундай ташкил этиш учун эса, албатта, партия ишига масъул ходимлар сони, уларнинг маоши ва малакасини ошириш лозим.

3. Партия Марказий кенгаши ишини тўғри ташкил қилиш, унинг ҳуқуқлари ва вазифаларини Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги партия фракциясига ташлаб қўймаслик лозим. Чунки депутатларнинг қонун ижодкорлиги борасидаги ишлари етарли. Улар ҳам ўз навбатида янги қонунлар яратилиши жараёнида партия нуқтаи назарини ҳимоя қилиш-

(Давоми 2-бетда).

ИСТИҚЛОЛГА БАҒИШЛАНДИ

Ўзбекистон «Миллий тиклaниш» демократик партияси Тошкент вилояти ва Ангрен шаҳар кенгашлари ҳамда Ангрен шаҳар ҳокимияти хотин-қизлар қўмитаси томонидан Республикамиз Мустақиллигининг 15 йиллиги ва Ангрен шаҳар хотин-қизлар қўмитаси қошидаги «Якшанба мактаби»нинг ташкил топганига 2 йил тўлиши муносабати билан катта байрам тадбири уюштирилди.

Ангрен шаҳрида бўлиб ўтган тадбирда шаҳардаги 50 нафар кам таъминланган оилалар ва уларнинг фарзандларига ЎзМТДП Ангрен шаҳар кенгаши, шаҳар «Маҳалла» жамғармаси ва хотин қизлар ҳомийлик ёрдамлари, байрам совғалари топширилди. Болалар томонидан тайёрланган кулолчилик, уй-рўзғор буюмлари, ижро этилган қўшиқ ва рақслар йиғилиш иштирокчиларида катта таассурот қолдирди.

Гулгун РАҲИМОВА, ЎзМТДП Тошкент вилояти кенгаши бош мутахассиси.

Мустақиллик тенгдошлари

ШУКРОНА АЙТАМАН

Озод ва обод Ватанда яшаётган биз — мустақиллик тенгдошларига, истиқлол фарзандларига шукрона айтиш жуда ёқимли туюлади. Аммо бу гапни айтиш орзу бўлган даврлар ёдга тушганда унинг қадри яна билинади. Биз — озод юрт ёшлари, балки бу нарсаларни жуда енгил ҳис қилармиз. Тарих китобларини варақлаганда истиқлолнинг шу озод кунларни кўрмаган қаҳрамонлари кўплигига гувоҳ бўламиз. Бугун улар учун ҳам шукрона айтгимиз келади.

Истиқлолнинг 15 йилида жуда кўп муҳим янгиликлар юз берди. Ҳар бирининг ҳаётимиздаги ўрни ва аҳамияти беқиёс. Улар қаторида миллий анъаналаримизга бўлган эътибор ҳам бор, албатта. Ўзбекистон «Миллий тиклaниш» демократик партиясининг вужудга келишини ҳам шулар қаторига қўшгим келади. Партия нашри бўлган «Миллий тиклaниш» газетасида Мустақиллик байрами арафасида эълон қилинган ижодий ишлар танловлари замондошларимизнинг қалбида кечаётган туйғуларни юзага чиқарди. Ўй-хаёлларини қоғозга туширишга ёрдам берди.

Истиқлол берган мўъжизаларнинг саноғи йўқ. Кўпинча «Энг улуғ, энг азиз» байрамимиз арафасида уларни сарҳисоб қилишга ўрганиб қолганмиз. Янги-янги ўқув даргоҳлари бунёд этилаётгани, уларнинг замон талабларига мос жиҳозланаётгани ёш авлод учун ҳар томонлама фойдали. Эндигина мактабга қадам қўйган ука-сингилларимизга Президент совғалари берилиши ҳам ниҳоятда ҳайрли ишдир. Айниқса, биз — ёшларнинг порлоқ келажагини кўзлаб қилинаётган эзгу ишлар қаторида болалар спортини ривожлантириш, таълим тизимидаги ислоҳотлар муҳим ўрин тутади. Истиқлол йилларида ёшларимизнинг кўпчилиги хорижда ўқиш имкониятига эга бўлишди. Иқтидорли қизларимизнинг Зулфия номидаги Давлат мукофоти билан тақдирланиши эса уларнинг ҳаётида янгиликлар яратмоқда.

Азиза ИБРАГИМОВА, Шайҳонтоҳур туманидаги 84-умум таълим мактаби ўқувчиси.

ЯНГИ НАШРЛАР

Мамлакатимизда чоп этилаётган газеталар сони яна иккитага кўпайди. Истиқлол байрами куни нишона сони босилиб чиққан газетанинг номи «Uzbekistan Today» деб аталади. Рангли, юқори сифатли полиграфия маҳсулоти ҳисобланган мазкур нашр дизайн жиҳатидан ҳам ҳар бир кишининг эътиборини тортиши шубҳасиз. Газетада мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий ҳаётида рўй бераётган воқеалар акс этган. Саккиз саҳифадан иборат бўлган нашрда ўқувчиларни қизиқтирган турли мавзуларда кўпгина мақолаларни ўқиш мумкин.

«Жамият» деб номланган газетанинг нишона сони ҳам мамлакатимиз Мустақиллиги байрами арафасида ўқувчилар қўлига етиб борди. Мазкур нашр ҳам дизайнининг кишини ўзига тортиши, сифатли босма маҳсулоти эканлиги билан ажралиб туради. Газета 8 саҳифадан иборат бўлиб, унда юртимиз ҳаётига оид турли хил мавзудаги материаллар берилган.

Сиёсий партиялар фуқаролик жамиятини қуришда муҳим бўғин ҳисобланади. Газетадаги «Ягона мақсад сари элтар бу йўллар» номли давра суҳбатида шу тўғрида фикр юритилади. Унда мамлакатимиздаги 5 партиянинг етакчиларига саволлар билан мурожаат қилинган. Хусусан, ЎзМТДП Марказий кенгаши раиси Х.Дўстмуҳамедов ҳам саволларга батафсил жавоб қайтарган.

Маърифат соати

ЎЗГАЛАР ҒАМИНИ ЧЕКМАСА ОДАМ...

Миллий манфаатни англаш ўзликни англаш билан баробардир. Чунки ўзлигини англаган инсонларгина миллий манфаат ривожи, тараққиёти ва ҳимоясига ҳамиша шай турадилар. Ватан, эл ва халқ учун хизмат қилиш нақадар зарурий эҳтиёж эканлигини дилдан ҳис этадилар.

...У қотмадан келган, қорача, жуссаси кичиккина бўлиб, ташқи қиёфасида эътиборни тортадиган жиҳати йўқ. Лекин ички оламининг ажойиблиги билан боғлиқ воқеа-ҳодисалар оғиздан-оғизга кўчиб юради. Ота-онаси қўйган Расул исми ёнига чайка сўзи қўшилмаса, уни ҳеч ким танимайди. Борди-ю, Расул чайка десангиз, етти ёшдан етмиш ёшгача бўлган олтиариқликларнинг юз-кўзида жилмайиш пайдо бўлганча, сизни унинг ҳовлисигача кузатиб қўядилар.

Ёши 40-45 ларда бўлган Расул чайка ўрта мактабдан сўнг ҳеч қаерда ўқимаган. Отасининг катта кетмонини елкасига ташлаганча, далага қараб йўл олган. Ғўза чопган, мироблик қилган. Сувни эгатларга бир текисда тараш ва бодрингга жўяк олиш бобида унинг олдига тушадигани ҳали топилганича йўқ. Шунинг учун ҳам қиш оёқлаб, баҳор ҳиди келди дегунча, кўча дарвозаси олдида турнақатор одамлар навбати пайдо бўлади. Охунбобоев номидаги ширкат хўжалиги ҳудудида истиқомат қилувчилардан бирортасининг яхши-ёмон кунлари усиз ўтмайди. Фалончиникида тўй ёки маъракa, деб эшитдими, тамом, катта мис самоварини велосипедига ортиб, ўша хонадонга равона бўлади. Самоварини бир чеккага ўрнатгач, сувга тўлдириб, тагига олов ёқиб қўяди-да, бошқа юмушларга уннайди. Никоҳ маросимида келин-куёв ўтирадиган жойга гилам осиб, унга оппоқ пахтадан турли қушлар ва гуллар расмини чизади, чиройли табрик сўзлари ёзади. Ҳамқишлоқлари ҳам унинг беминнат дастёрлигига кўникиб қолишган.

Фақат кўпчиликка ёқмайдиган битта қилиғи бор. Яъни, Расул чайка ўз ташвиши қолиб, кўпинча бошқаларнинг дарду ҳасратига шерикчилик қилади. Бемор қўшнисига яхши қарамаган шифокорга, дарс ўтиш ўрнига бешик тўйига борган ўқитувчига, номига фермер хўжалиги тузиб, пахта теримида ўқувчиларни ишлатиб, ўзи бозорда юрган фермерга рўпара бўлиш фақатгина унинг қўлидан келади.

Бир куни қараса, кечки салқинда қўшни фермернинг боғи олдида иккита «КамАЗ» турганмиш. Ҳайдовчилардан Россияга олма босиб кетилишини билиб олган қаҳрамонимиз қўлидаги кетмонни жаҳл билан ирғитганча фермерни қидириб кетибди. Фермер яшикларга жойланган олманинг ҳисоб-китобини қилаётган экан. Аввалига у Чайканинг гапини эшитгиси ҳам келмабди, сўнг ўшқирибди:

— Бор, ишингни қил. Ҳосил меникими, хоҳлаганимча сотаман.

— Шунақами? — дебди Расул чайка ҳам бўш келмай.

— Биринчидан, фермерлик хўжжатларингда боғдаги меваларни Ўзбекистонда эмас, Россияда сотаман, деган банд борми? Иккинчидан, собиқ советлар даврида юрардинг, бурнингни тортолмай. Мустақиллик туфайли фермер бўлувдинг, энди унинг душманига айланиб қолдингми? Яхшиликка ёмонликми?

Фермер қараса, иш чаппасига кетадиган. Дарров тўнини ўзгартириб, унга юз минг сўм бермоқчи бўлипти. Ўзини ҳақоратланган деб билган Чайка эса унинг юзига боплаб тарсаки туширган. Бундан фойдаланган фермер унинг оёқ-қўлини боғлатиб, мелисахонага борган ва мени ҳақоратлагани етмагандай калтаклади ҳам, деб устидан шикоят ёзган.

— Нима қиласиз, бировларнинг ишига бурнингизни тиқиб, фойда кўрсангиз кошки эди, — дея жиғибийрон бўлади аёли Олтиной.

— Қизиқсан-а, хотин, мен фойда кўрмасам, бошқалар кўрар, — жавоб қайтаради у.

Олтиариқ туманининг юқори томонида бепоён қир-адирликлар бор. У ерларни Қапчиғай дейишади. Адирликнинг энг баланд, одамлар кам юрадиган жойларида турли хил доривор ўсимликлар ўсади. Иттифоқо, тиниб-тинчимас Чайка у ерга бориб қолибди. Қараса, мол-қўйлар подапода бўлиб ўтлаб юрганмиш. У бақир-чақир қилиб, айбдорларни топибди. Улар Фарғона туманида истиқомат қилувчи фуқаролар экан.

— Табиатда майса-ю гиёҳнинг, тошу тиканнинг, қурту қумурсқанинг ҳам ўз ўрни бор, — дейди Чайка. — Улар ҳеч қачон бир-бирининг ўрнини босолмайди, вазифасини бажаролмайди. Ҳар бири ўз ўрнида азиз ва фойдали.

Мен унинг содда, жайдари гапларини тингларканман, инсон ҳаётини ўсимликлар оламисиз тасаввур қилиш қийинлигига амин бўламан. Сўнгги маълумотларга қараганда, республикамизда тўрт ярим мингга яқин ўсимлик турлари мавжуд бўлиб, улар турли минтақаларда ёввойи ҳолда тарқалган. Бугунги кунда маданийлаштирилган 500 дан ортиқ ўсимликлардан озиқ-овқат саноати, қишлоқ хўжалиги ва тиббиётда кенг фойдаланилмоқда. Чорва моллларини буғдойзор ва пахтазорларда боқиш, табиий ўрмонлар, мевали боғлар ва арчазорларга нисбатан бераҳмлик ўзимизга қимматга тушиши турган гап.

Ўсимликлар дунёсини муҳофаза қилиш, камайиб, йўқолиб кетаётган ноёб ўсимлик турларини тиклаш бугуннинг долзарб муаммосидир. Зеро, "Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида"ги, "Ўсимликлар дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида"ги қонунларнинг қабул қилинганлиги бежиз эмас. Уларнинг асосида инсон ва миллат манфаати ётади. Эҳтимол, бу қонунлардан Чайканинг хабари ҳам йўқдир. Лекин у фойда ва зарарни бир-биридан фарқлай билади. Муҳими шунда. Қанийди, ҳар биримиз унга ўхшай олсак...

Гулчеҳра ЙЎЛДОШЕВА.

Сўз партия етакчиларига

Партиямиз халқимиз қалбининг тубидаги энг азалий ва абадий орзу-ниятларни рўёбга чиқариш йўлида хизмат этишдек улуғ ишларни амалга оширишни мақсад қилиб олган. Маънавияти ва маърифати юксак халқ ҳамиша буюк мақсадларга эришади. Зиёлиларнинг ранг-баранг қатламларини ўз ичига олган партия фаоллари жамиятни юксалиш босқичларига олиб чиқишга муносиб ҳисса қўшиб бормоқдалар. Мен бир мўйқалам соҳиби сифатида партия ишига партиядошларим қатори масъулият билан ёндошишни ўз бурчим деб биламан. Партиямиз илгари сураётган ғоялар, у танлаган йўл ижодим билан ҳамоҳанг руҳда гўё. Бу масъулият жамиятнинг энг қайноқ жабҳаларида фаолият юритишга ундайди.

МАҚСАДИМИЗ ҲАМОҲАНГ

Партия сафига кирганимга 11 йил бўлибди. Ўтган йиллар ичида партия фаоллари билан ҳамкорликда бир қанча кўргазмалар ташкил қилдик. Мусаввирлик ишларимга ёшлардаги қизиқишни кўриб ўз ишимдан мамнун бўламан доим. Партиямиз сафида турли соҳа кишилари бор. Улар халқ орасида бўлганида дастуримиздаги ғояларни тарғиб қилишади, шу йўлни танлашларидан кўзлаган мақсадларини айтишади. Мен ана шундай пайтда миллий ўзлигимизни англаш ҳар биримиз учун жуда зарур эканлигини ёнатрофдагиларга тушунтирмоқчи бўламан. Ижодий ишларим орқали буни тасвирлашга интиламан.

Партия — одамларни бирлаштирадиган, уларни ҳамфикр, ҳаммаслак қиладиган даргоҳ. Шу боис Марказий кенгаш ташаббуси билан бошланган ҳар қандай тадбирда ана шу руҳ сезилади. Одамлар орасида бўлганимда партиядошларимнинг аллақачон халқ ичига кириб боргани, юртдошларимиз партия ишини яхши тушунишларига кўп бор гувоҳ бўлганман. Ўтказилаётган тадбирлар, учрашув ва мулоқотлар давомида сафимизга янги аъзолар қабул қилинади.

Шу йил март ойида «Наврўз — 2006» кўргазмаси бўлиб ўтди. Унда ЎзМТДП фаолларидан бир гуруҳи иштирок этиб, рангтасвир сирлари билан ошно бўлдилар. Партия Марказий кенгаши томонидан мусаввирларга эсдалик совғалари топширилди. Бундан ташқари, «Ҳомийлар ва шифокорлар йили» муносабати билан «Икийо-хирояма» номидаги халқаро маданият карвонсаройида «Жасоратдан яралган санъат» деб номланган кўргазма ташкил этилди. Унда хоразмлик, болаликдан ногирон бўлиб қолган ёш мусаввир Олимжон Матсафоевнинг юзга яқин асарлари намойиш этилди. Кўргазма кенг жамоатчилик орасида катта қизиқиш уйғотди.

Устоз ва шогирдлик анъаналарини давом эттириш мақсадида партия фаоллари томонидан бир қанча хайрли ишлар амалга ошрилмоқда. Республика рассомчилик коллежи билан ҳамкорликда «Рангин лаҳзалар» кўрсатувидаги чиқишлар ҳам кўпчиликни қувонтирди. Ёшлар билан катта авлод вакилларининг юзма-юз учрашуви жонли мулоқотга айланиб кетиши эсда қоларли воқеа бўлди.

Ёш иқтидорларни кашф этадиган «Келажак овози» танловида ҳакамлар ҳайъати раиси сифатида иштирок этганимда юртимизда истеъдодли ёшлар кўплигига амин бўлдим. Эртанинг эгалари бўлган ёш авлод вакилларининг ютуқлари бизнинг ҳам бахтимиз!

Ортиқали ҚОЗОҚОВ,
Ўзбекистон Республикаси санъат арбоби.

ШИОРИМИЗ — ДОИМИЙ ФАОЛЛИК

(Давоми. Боши 1-бетда).

лари керак. Ҳар бир йиғилишда кўтарилган масала юзасидан тушган таклиф-мулоҳазалар ўрганилиб, уларни ўз ҳудудига кўра, туман, вилоят, республика миқёсида муҳокама этиш зарур. Партиянинг масъул ходимлари малакасини ошириш бўйича ҳудудлараро семинарлар уюштириш лозим. Марказий кенгашда партия раҳбарлари ва ходимларини доимий зарур маълумотлар билан таъминлаб туриш учун ахборот-таҳлил марказини тузиш керак. Бундан ташқари, бошқа партиялар ишидан, хориждаги сиёсий партиялар фаолиятидан ҳам тажриба сифатида фойдаланиш мумкин. Бунинг учун ўзаро мулоқот ва семинарлар ўтказиб туриш муҳим омил бўлади.

Э.ХЎЖАЕВ, ЎзМТДП Қашқадарё вилоят кенгаши раиси:

1. Вилоятимиздаги барча туман, шаҳар ҳокимликлари маънавият-маърифат бўлимлари, маҳалла фуқаролар йиғинлари, хотин-қизлар кенгаши ва ўқув муассасалари билан ҳамкорликни йўлга қўйганмиз. Ўтказиладиган тадбирлар режаси ишлаб чиқилган.

2. Иш бор жойда камчилик ҳам бўлади. Партия аъзоларидан бадалларни йиғиб олиш, партия нашри бўлган «Миллий тикланиш» газетасига обунани ташкил қилишни биринчи ўринда ҳал этиладиган муаммо дейиш мумкин. Партиямиз бошланғич ташкилотлари аъзолари фаолият юритаётган айрим корхона ва ташкилотларда иш ҳақининг ўз вақтида берилмаслиги, иш ўринларининг қисқариши бунга сабаб бўлмоқда.

3. Асосий сабаб маблағ масаласига келиб тақалади. Ҳар бир вилоят кенгаши ишни яхши ташкил қилиш баробарида ўзининг моддий базасини ҳам мустаҳкамлаб бориши керак. Ана шунда доимий фаолликка эришилади.

А.АДИНАЕВ, ЎзМТДП Сурхондарё вилоят кенгаши раиси:

1. Тарғибот-ташвиқот ишларига, жойларда учрашув ва мулоқотларни ўтказишга асосий эътиборни қаратмоқдамиз.

2. Партия ишига садоқатли, жонкуяр, ташаббускор ходимларни танлаш, ташкилий ишларни йўлга қўйишда шаҳар ва туман етакчиларидаги иш тажрибасининг етишмаслиги муаммо бўлмоқда. Бошланғич партия ташкилотларига раҳбарлик қилиш, аъзолар билан ишлашда етакчиларимизда маҳоратни шакллантириш учун ўқув-семинарлар ўтказиш, махсус ўқув курслари ташкил қилиш зарур.

3. Бошқа вилоят кенгашлари билан ўзаро тажриба алмашиш яхши натижа беради.

А.КАРИМОВ, ЎзМТДП Самарқанд вилоят кенгаши раиси:

1. Тадбирларни расмиятчилик юзасидан эмас, маълум бир муаммони ҳал қилиш мақсадида ташкиллаштиряпмиз.

2. Партия ташкилотлари ишини йўлга қўйишда ёш, ташаббускор, сиёсий тушунчаси кучли етишмаслиги муаммоси мавжуд. Вилоят, шаҳар ва туман кенгашлари билан ҳамкорликни янада яхшилаш учун транспорт, алоқа ва молиявий муаммолар мавжуд. Партияга аъзолик бадалларини йиғиб олишда ҳам қийинчиликлар бор.

3. Партия фаолиятини жонлантириш учун Марказий кенгаш, вилоят, туман ва бошланғич ташкилотлар орасида узлуксиз ҳамкорлик таъминланиши керак. Вилоят кенгашининг транспорт воситаси билан таъминланиши бу борада ижобий натижа беради.

А.КУЛИЕВ, ЎзМТДП Бухоро вилоят кенгаши раиси:

1. Вилоятимизда ишсизлик муаммоси долзарб бўлгани учун биринчи навбатда Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бўлими билан ҳамкорликда амалий иш юритишни йўлга қўйганмиз. Янги иш ўринларини яратиш, ўқишни битирганларни ўз мутахассислиги бўйича ишга жойлаштиришга эътибор берилмоқда. Кенгашдаги «Аёллар қаноти» ва «Ёшлар қаноти»нинг фаоллиги, ҳаракатчанлиги сезилмоқда. Буни аъзоларимиз сони ортиб бораётганлиги ҳам исботлайди.

2. Тан олиш керак, фаолларимизга ҳам айрим пайтларда тажриба камлиги панд бермоқда.

3. Республика миқёсида «Сиёсий онг» ўқув курсларини ташкил этиб, унга бизга амалий ёрдам бера оладиган кишиларни, оммавий ахборот воситалари вакилларини ҳамда маҳалла қўмиталари раисларини жалб қилиш керак. Молиявий муаммоларни ҳал этишнинг яхши бир йўли бор. Бунинг учун вилоят кенгашларига банклар томонидан гаровсиз имтиёзли кредитлар ажратилиши, шунга таяниб кичик корхоналар ишини йўлга қўйиш керак.

Ф.ТОШБОЕВ, ЎзМТДП Жиззах вилоят кенгаши раиси:

1. Халқ ичига яқиндан кириб бориш мақсадида партиямиздан сайланган депутатларнинг сайловчилар билан учрашувлар графиги ишлаб чиқилган ва шу асосда жойларда депутатлар, партия фаоллари билан мулоқотлар уюштирилмоқда.

2. Кўпгина туманларимиз вилоят кенгашидан 80-100 км. узоқликда жойлашган. Улар билан алоқани яхшилаш учун ҳеч бўлмаганда телефон хизматини йўлга қўйиш керак. Муаммоларни ҳал этиш учун қўшимча маблағлар топиш йўлларини ахтариш лозим.

3. Ҳар бир тадбир фақат маърузабозликдан иборат бўлмай, унда долзарб муаммолар кўтарилиши ва ҳал қилинишига эришиш керак. Партия кенгаши ҳамкорлик қиладиган корхона ва ташкилотлар доирасини кенгайтириш зарур. Бундан ташқари, партия фаоллари ва етакчиларини рағбатлантириб туриш лозим.

Гули ОЛИМОВА ёзиб олди.

Тарихга бир назар

Тарихдан яхши маълумки, Ҳазрати Хожа Аҳрор Валийнинг ҳимматлари, ақлу заковатлари туфайли Шоҳрухияда бир тарихий сулҳ битими тузилган. Уч темурийзода — Самарқанд ҳукмдори Султон Аҳмадхон, Тошкент ҳукмдори Султон Маҳмудхон ва Фарғона ҳукмдори Мирзо Умаршайх ўрталарида уч тарафдан тўпланган 100 минглик лашкар билан Сирдарё бўралиб оқадиган кенг майдонда — Шоҳрухия шаҳрида улкан ва қақшатқич жанг бўлмоғи даркор эди.

ШОҲРУХИЯДАГИ СУЛҲ БИТИМИ

Туркистоннинг уч подшолиги ўзаро душманлик ва хусуматга боришиб, Туркистон аҳолиси орасида даҳшатли қирғинбарот жанг қилмоқчи эдилар. Лекин бундан хабар топган Ҳазрати Хожа Аҳрор Валий ўз шогирди ва яқин мулозимлари билан Шоҳрухияга аввалроқ етиб борадилар. «Рашаҳот» муаллифи Фахруддин Али ас-Сафий ўзи кўрган ва эшитган ўша воқеа-ҳодисаларни диққат билан синчиклаб битиб қолдирган.

Шоҳрухияда Ҳазрат уч подшолик вакилларини кутиб ўтирадилар. Даставвал у ерга Мирзо Умаршайх ва Султон Маҳмудхон лашкари, кейинроқ Султон Аҳмад қўшини етиб келади.

«Рашаҳот» муаллифи уч подшоҳнинг душманлик ҳолатини ажойиб ўхшатиш қилиб, шундай образли тасвирлайди: «Шундоғ кашф бўлдиким, майдоне турар васеъ ва ул майдоннинг ўртасида уч бухти (туя) теваи мастким, оғизларини очиб, бир-бирларига қасд этмоқчи турурлар, хоҳларким, бир-бирларига оғиз уруб, гўштларини узуб ташласалар. Ва Ҳазрати Эшон ул майдонда турубдурлар ва ул уч маст теванинг нўхтасини қўлларига ўраб, ва маҳкам тутуб, қўймасларким бир-бирларига дахл этсалар». Шунингдек, мазкур асарда Мавлоно Муҳаммад (Қосим) ёзувларидан ҳам бир қизиқ иқтибос келтирилади ва Шоҳрухияда Ҳазрати Эшоннинг ҳиммати, ақл-идроки ва илтифоти билан ўрнатилган мусолаҳанинг қай тарзда вужудга келганлиги тафсилотини ёзади.

Айтишларича, Ҳазрати Эшонда яна бир илоҳий каромат бўлганким, буни ҳеч бир мусулмон машойиҳда кузатиш мумкин эмас! «Ойтур эрдиларким, Ҳақ субҳонаҳу ва Таоло Маҳзи иноята била қуввате қилибдурким, агар хоҳласак Хитой подшоҳиниким, улув ҳиммат даъвосин қилур, шундоқ этарманким, тарки салтанат айлаб, Хитойдин оёқ яланг хору хошокда югуриб, ўзини манинг остонамға етурур. Аммо бу ҳама қувват била фармони Худовандға мунтазир турурман. Ҳар вақтеким, хоҳласа ва ишорати Илоҳий етушса вужудға келур, бу мақомға адаб лозим турур. Адаб ул турурким, ўзини Ҳақ субҳонаҳунинг иродасиға тобеъ эткай, на улким, Ҳақ субҳонаҳуни ўз иродасиға тобеъ қилғай!»

Демак, Ҳазрати Хожамиз Ҳақ субҳонаҳунинг иродасига бўйин эгиб, суяниб туриб, буюк хизматларини қила, буюк ҳимматларини бажо келтира олганлар. Демак, Хожа Аҳрор Валийнинг куч-қуввати, олий ҳиммати, буюк кароматлари шунда бўлган! Ҳазрати Хожамизнинг бузрукворлиги ҳам шундадур! Яъни, Ҳазрати Хожамиз, Шоҳ Нақшбанд айтганларидек, Худо бўлмасалар ҳам, лекин Худодан жудо бўлмаганлар!

Демак, Ҳазрати Хожа Аҳрор Валийнинг барча улуғворлиги, бузрукворлиги, улуғ каромати, олий ҳимматлиги ва адабияти ҳам шунда, деб айта оламиз!

Ориф УСМОНОВ,
Шарқшунослик институтининг катта илмий ходими, филология фанлари доктори.

«Кураш — миллат ғурури» танловига

Шу йил май ойининг илк кунларида пойтахтимизда Осиё Олимпия Кенгаши мутасаддилари, Марказий Осиё давлатлари Олимпия қўмиталари раҳбарларининг учрашуви жараёнида курашнинг кўргазмали маросими ўтказилди. Тадбир иштирокчиларининг таъкидлашича, Кураш тақдимоти Тошкентда ООК доирасида белгиланган маросимларнинг энг мароқлиси ва самаралиси бўлган.

Ўзбекнинг қалбидан таралаётган нур

Осиё Олимпия Кенгаши бош котиби Брандхир Сингхнинг «Ўзбек кураши билан 2002 йилдан бери танишман. Ҳиндистонда кураш бўйича ўтган 2-Осиё чемпионатида бу спорт турининг жозибасига, ҳаммабоплигига қойил қолганман. Шундан бери кураш халқаро ассоциацияси раҳбарлари билан ушбу спорт турининг ривожланиши тўғрисида фикрлашиб турамиз. Лекин мени бугун тақдимот маросимининг ҳайратда қолдирган жиҳати шундаки, қисқа фурсатда кураш мисли кўрилмаган манзилни босиб ўтибди.

Яна шуни айтишимиз керакки, дунёдаги кўпгина спорт турлари кимлардир томонидан яратилган, кураш эса одамзот билан бирга пайдо бўлгани билан ҳам қадрлидир. Шу жиҳатдан курашни замонавий спорт тури сифатида дунёга тақдим этган ўзбек халқига спорт мутахассиси, қолаверса, Осиё Олимпия Кенгаши вакили сифатида миннатдорчилик билдираман», деган сўзлари бизни фахрлантиради.

Франциядаги бир гуруҳ кураш хайрихоҳлари ўзбек курашчиларини ўз юртларига чорлашган, дунёдаги 20 га яқин давлат вакиллари мамлакатларида кураш федерацияларини очиш, Кураш Халқаро Ассоциациясига аъзо бўлиш ишлари билан шуғулланишмоқда. Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин.

Бола эдик. Осмонга варрак учирардик. Варракларимизни баландроқ учиши учун турли усулларни ўйлаб топардик. Ўйиндан бўшаган пайтларимизда кекса кишилар бизга «варрак хаёлпарастларнинг иши, курашиш керак, кураш элнинг ори» дер эдилар. Болаликнинг варрак мисол олислаб кетганига ҳам чорак аср ўтибди. Ўтган ва ўтаётган кунларга кўз тикиб, ҳаётнинг мазмуни курашда мужассам эканига яна бир бор амин бўласан, киши. Ҳалолликка интилиш. Ҳалоллик туфайли элнинг эҳтиромига эришиш... Ёки аксинча, ғирромликка дуч келиш... Бошлаган ишнинг чала қолиб кетиши оқибатида дакки эшитиш... Бу кундалик турмушдаги оддий ҳолатлар бўлиб кўринса-да, аслида чуқур фалсафий мушоҳадага асосланган том маънодаги КУРАШдир. Бугун дунё спорт жамоатчилиги Ўзбек кураши, дея эъзозлашга киришгани ҳам шундандир, балки.

Мутахассислар олиб бораётган илмий изланишлар курашимиз бундан 3-4 минг йиллар олдин пайдо бўлганлигини кўрсатмоқда. Археологлар томонидан Сурхон, Зарафшон воҳалари ҳамда Фарғона водийсининг бир қатор қадимий манзилгоҳларидан топилган ноёб ашёлар шундан далолат бермоқда. Айниқса, буюк аждодларимиз Паҳлавон Маҳмуд, Амир Темур яшаган даврларда курашнинг ривожлангани тарихдан маълум. Аммо ХХ асрга келиб, халқимизнинг мардлик ва ботирлигини, енгилмас ва тантилигини, ҳалол ва бағрикенглигини намойиш этувчи кураш таъқибга учради. Хусусан, собиқ шўролар тузуми даврида халқларни бир-бирига яқинлаштирувчи спорт ўйинлари, миллий қадриятлар эскилик сарқити сифатида қораланиб, чеклаб қўйилди.

Мустақиллик бизга азалий қадриятларимизни, курашимизни қайтариб берди. Истиқлолнинг илк йиллариданоқ Президентимиз ташаббуси билан қатор хорижий давлат полвонлари иштирокида кураш бўйича нуфузли беллашувлар ўтказишга киришилди. Шаҳрисабзда Амир Темур, Сурхондарёда Ат-Термизий, Бухорода Баҳоуддин Нақшбанд, Андижонда Бобур Мирзо, Қоракўлда Турсун ота, Хоразмда Паҳлавон Маҳмуд хотирасига бағишлаб Президент соврини учун ўтказилган халқаро турнирлар фикримизнинг тасдиғидир.

1998 йил 6 сентябрда 28 та давлат вакиллари ташаббуси билан Кураш Халқаро Ассоциациясининг ташкил этилиши Ўзбек курашининг янги ҳаётини бошлаб берди. Ушбу халқаро ташкилотнинг фахрий президенти этиб, Юртбошимиз Ислом Каримов сайланди. Агар эътибор берадиган бўлсак, Олимпиада ўйинлари сафига дадил интилаётган кураш қисқа фурсатда дунёдаги милиионлаб кишиларнинг севимли спорт турига айланиши боболаримиз айтган миллат ори, ғурури юксалганидан далолатдир.

Тўлқин РЎЗИЕВ.

● Акс-садо

МИЛЛИЙЛИК ФАҚАТ КИЙИНИШДАМИ?

Ўшанда 8 март байрами арафасида марказда катта тантана бўлаётганди. Таниқли санъаткорлар, шоирлар, машҳур кишилар даврани тўлдириб ўтиришар, ҳаммани кайфияти кўтаринки эди. Меҳмонларга навбатма-навбат сўз берилар, улар ўтирганларга яхши тилаклар билдирар, санъаткорлар энг сара қўшиқларни куйлар, шоирлар эса жўшиб шеър ўқир эдилар. Шу пайт сўзга чиққанлар орасида узоқ йиллар кўришмаган дугонамни кўриб қолдим. Мен минбар қаршисида ўтирар эдим, у сўзга чиққан заҳоти менга кўзи тушиб хиёл энгашиб, табассум қилди.

У жуда башанг кийинган эди. Охирги урфда тикилган қимматбаҳо костюмининг ёқаларига зар уқалар ёпиштирилган, худди шу матода катта чоки бор юбка этаклари ҳам кўзни қамаштирадиган даражада безатилган эди. Бармоқларида эса қатор олтин узуклар, ярақлаган тилла тиш. Мен уни энди кўраётгандек тикилиб қолдим. Чунки талабалик йилларимизда у оддийгина кийинар эди.

Тантана тугагач, биз кўришдик. Аввалига суҳбатимиз жуда самимий бўлди. Лекин унинг ўзгариб кетганини сездим. Бошини орқага ташлаб кулар, олтин узукли бармоқларини писанда қилгандек қирсиллатар, менга савол берганиберган эди.

— Менга қара, — деди у энди хайрлашамиз деб турганимизда, — ҳечам ўзгармабсан. Юришинг ҳам, туришинг ҳам, кийинишинг ҳам. Бу ўша юбкангми? — дея кулиб, одмигина кийимимга ишора қилди.

Ғалати бўлиб кетдим. Дугонамнинг бундай муносабати вужудимни музлатиб юборди. Ҳолбуки, мен байрам тантанасига энг яхши деб ҳисоблаган кулранг костюм-юбкамни кийиб келган эдим. Одатдагидек бирорта тақинчоғим йўқ, фақат соат тақиб олгандим.

Дугонам билан совуққина хайрлашдик. Юрагимда унга нисбатан ҳавас эмас, ачинишга ўхшаган бир ҳис пайдо бўлди. Чунки талабалик йилларимизда у жуда камтар ва оддий қиз эди. Ҳаммамиз уни яхши ўқигани, тиниқ фикрлагани учун ҳурмат қилардик.

Бойлик, мансаб, зебу зийнатлар унинг инсоний туйғуларини йўқотиб юборибди. Дугонам моддий жиҳатдан юксалибди, лекин маънавий томондан қашшоқлашибди. Демак, уни маданиятли инсон деб айтолмайман. Чунки донишмандлар: "Маданият, маънавият моддийликнинг тенглигидир", дея зикр этишган. Хўш, кийинишнинг маданиятга қандай дахли бор?

Тўғри, кийиниш ҳар кимнинг шахсий иши, лекин биз одамлар орасида яшаймиз. Кексаларнинг, болаларнинг бизга кўзи тушади. Айниқса, ёшлар, кийган кийимлар ҳамманинг назарида бўлади.

Ўзбек миллий либослари бениҳоя гўзал: атлас кўйлаклар, беқасам тўнлар, ироқи дўппилару ғижим рўмоллар. Тўғри, маданият ғуллаб-яшнайди, янги-янги урф-одатлар билан бойийди, аммо йўқолмайди, йўқотишга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ. Аммо баъзи бир воқеаларни кўриб, ҳайрон қоласан, киши. Ёши улуғ, сочлари оқарган бир бошлиқ қабулхонасидаги котиба қизнинг кийинишини кўриб, уялиб кетдим. Аёл, бунинг устига ўқитувчи бўлганим учун. Нега дейсизми? Агар биз муаллимлар яхши ўқитганимизда бу қиз ва унга ўхшаганлар бунчалик ўзгариб кетмасди. Ниҳоятда тор, эгилса чоклари узилиб кетадиган даражада жинси шим, кўкраклари очиқ, кифтида битта тасмали (майка шаклидаги) кофта, оёғига беўхшов тўқиллайдиган қўпол пойабзал кийиб олган. Сочининг ярми қизил, ярми оқ. Отаси тенги одам ҳузурида мутлақо тортинмай, эркин ҳаракат қилар, ўзини тутишидан, кийиниш ва юриш-туришидан мамнунлиги сезилиб турар эди. Бу биз — ота-оналар, муаллимлар тарбиясининг маҳсули эмасми?

Олий ўқув даргоҳида учратганим — талаба қиз бундан-да ачинарлироқ аҳволда эди. У ҳам тор, ниҳоятда калта юбка ва юқоридаги қизникидек кофта кийган, ҳамма ёғи очиқ, афсуски, бу русумда кийинган ёлғиз унинг ўзи эмас эди. Дугоналари ҳам гўё у билан баҳс бойлашгандек кийинишган.

Тиббиётда кийимга инсон аъзоларини ташқи муҳит, ҳар хил зарарли чангу гардлардан асровчи ҳимоя воситаси, деб қаралади. Афсуски, баъзи ёшлар буни мутлақо унутишган. Қоматини кўз-кўз қилиш мақсадида баданини, соғлом танасини тиббиёт тили билан айтганда, микробларга тутиб беришади. Тиззасидан юқори, бор-йўғи бир қарич келадиган юбкада узун оёқлари, кифтларини очиб юрган ёшгина қизча кўча-кўйда кимларга дуч келмайди, қандай транспорт воситасида юрмайди дейсиз?!

Ҳусн, табиат берган чирой қаватқават кийимлар ичида ҳам кўриниб туради. Уни яшириб бўлмайди. Кумуш очиқ-сочиқ юрмаса-да, бутун Марғилон аҳли унинг гўзаллигини билган. Айтадиларку, олтин ҳеч жойда қийматини йўқотмайди, деб. Шу ўринда демоқчи бўлганим, ҳурматли ота-оналаримиз, ўқитувчи ва тарбиячиларимиз ёшларнинг кийиниши учун ўзини ҳеч масъул сезишганми? Наҳотки, қуюшқондан чиқиб кийинган ёшларга ўзликни унутмасликни тушунтириш, кези келганда танбеҳ бериб қўйишнинг иложи бўлмаса? Ахир, кийиниш ҳам ўзлигимиз, маънавиятимиз кўзгусику!

Ҳа, башанг кийиниш, "мода" кетидан қувиб, ҳаё, ибони унутиб қўйиш маданиятлилик белгиси эмас экан. Таниқли олимимиз Озод Шарафиддинов айтганидек: "Кийинишга зеб бериб, каллани ишлатмаслик маънавий қашшоқликдир". Худо мана шу қашшоқликдан асрасин.

Бўстон РАҲМОНОВА,
Ўзбекистон халқ ўқитувчиси.

КЕЛАЖАК МАКТАБДАН БОШЛАНАДИ

Ёзги таътил тугаб, ўқувчилар яна билим даргоҳлари сари ошиқишди.

Уларнинг ҳайрат тўла нигоҳлари, бедор юраклари устозлари бераётган билимга ташна. Устоз-мураббийлар ҳам бор меҳри билан янги дарсларга тайёрланишган. Андижон вилояти Пахтаобод туманидаги 46-мактабда ҳам ўқув йили бошланди.

Суратларда: мактаб ҳаётидан лавҳалар.

Ҳасан ПАЙДОЕВ олган суратлар.

● Қадрият

МОМОМ АЙТГАН ЎЛАНЛАР

Яхши қўшиқ, яхши шеър руҳиятга хуш насимдай кириб келади, юракка баҳорий кайфият бағишлайди. Гўзаллик ва нафосатга ошно қалбгина оҳанг мавжида тўлқиндай тебранади.

— Мен Ватандан олисда ҳарбий хизматни ўтаб юрганимда момомнинг бизга узун қиш кечалари айтиб берадиган мунис қўшиқларини мудом эслаб юрардим. Чунки улардан юртимнинг нафаси келиб турарди, — дейди ангренлик Ҳусниддин Эшмуродов. — Момом ҳарбий хизматни ўтаб қайтганимдан икки йил ўтгач, қазо қилдилар. Аммо ҳамон у кишининг майин хирғойиси қулоқларим тагидан кетмайди.

Ҳусниддинга, унинг фарзандларига момоларидан ёдгорлик сифатида қолган магнит тасмалардан тафтли овоз янграйди:

Дарё шундай тошарми,
Ўзанидан ошарми?
Ўша қолган ёримга
Худо мани қўшарми?
Хўжам норингдан-о.

Рўмолим гажим-гажим,
Дарёнинг суви ярим.
Ўйнатгани қўймади
Дунёда кўнглим ярим...
Хўжам норингдан-о.

Ҳусниддин хаёлга чўмган. Биламан, у шу тобда момосининг азиз сиймосини хотирлаяпти. Қизалоғи Нозима тасмадаги овозга жўр бўлади:

Юқоридан келаман от ўйнатиб,
Тўйхонага кираман ёр йўқотиб.
Тўйхонанинг эшиги арча экан,
Ойимларнинг кийгани парча экан,
Айтинг, яна айтишайлик.
Дарёдан оқиб келади оқ ёғоч,
Устида «алҳамд» ўқийди қалдирғоч.
Қалдирғоч қанотига нил боғлади,
Бизнинг ёр кетарга бел боғлади,
Айтинг, яна айтишайлик.

Оналаримиз, кекса момоларимиздан гап-гаштакларда, тўй-маъракаларда, давраларда эшитиб турадиганимиз – «Хўжам норингдан» қўшиғидаги сатрлар кимнинг қалбини титратмайди, дейсиз. Кўз олдингизда олис кечмиш манзаралари намоён бўлади. От-аравада кетаётган келинчак куёв кимлигини-да билмайди. Унинг қисматида не ёзуғ бор — куёви эҳтимол, оқил, вафодор, эҳтимол, золим, тошбағир одамдир... Буниси ёлғиз Оллоҳга аён. Янгалар ёр-ёр айтади:

Аравангнинг изига
солдим кепак, ёр-ёр,
Олиб келган қизимнинг
бари ипак, ёр-ёр.
Аравангнинг гупчагидан
ўйдим қошиқ, ёр-ёр,
Куёв бола, сўрасанг,
олтин қошиқ, ёр-ёр...

Ўйланиб қоламан. Наҳотки, ана шундай юракка тўташ халқона терма-ларни энди фақат тасмалардан эшитсак? Фарзандларимизга кўпинча ҳатто вақтни қизғаниб «алла» айтиш ўрнига магнитофон орқали эстрада қўшиқларини қўйиб берамиз. Уларга мос келадими-йўқми, бунинг аҳамияти йўқ. Ахир, момоларимиз аллага қўшиб, эзгу ниятларини, тилакларини, орзу-армонларини тўкишган. «Алла»нинг ўрнини ҳеч қайси юлдузнинг машҳур қўшиғи босолмайди. Ҳарбийга борган йигитларнинг аксарияти онасининг алласини соғинади, сўз оҳангини қўмсайди. Чунки унда болалигида эшитган алланинг оҳанглари яширин, меҳру-муҳаббат мужассам.

«Ёр-ёр» наволари-чи? Уларни тинглаб юраги орзиқмаган одам топилмаса керак. Негаки, инсон умрида мангуга муҳрланиб қоладиган қўшиқ бу. Ўлмас қўшиқ бу.

Кунларимиз гоҳ сокин, гоҳ шиддат билан ўтаверади. Баъзан шундоққина теварак-атрофимизда не-не жавоҳиротларга тенг истеъдод соҳиблари бизга ҳамнафас эканликларини илғамай яшаймиз. Эрта кўклам — яшиллик дунёси, кузакдаги тилларанг япроқлар, қишнинг кумушранг учқунлари-ю, ёзнинг тиниқ сувларини сезмай яшаймиз. Боғларимизни оралаб бодом гуллари қачон очилгани-ю, ўрик қачон гуллаганини англолмай ҳайратда ёнган юрагимиз яхши қўшиқ тинглаганида «жиз» этиб кетиши шубҳасиз. Қанийди, бу юртнинг навқирон авлоди ҳам аждодлари куйлаб ўтган дурдона қўшиқлар оғушида яшаса! Ёш, маъсума оналар мурғак гўдакларини алла айтиб ухлатсалар, йигит-қизлар ўлану-лапарлар айтишиб, гулхан атрофида жамулжам бўлсалар, қизлар мажлиси «ёр-ёр» садоларига ғарқ бўлса... Қанийди!

Нигора ЖАЛОЛИДДИН қизи.

● Мутолаа

Таниқли ёзувчи, Бобур номидаги халқаро илмий экспедиция аъзоси, партиямиз фаолларидан бўлган Қамчибек Кенжа Мустақиллигимизнинг 15 йиллиги арафасида «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими» унвони билан тақдирланди. Барча партиядошларимиз номидан сафдошимизни бу юксак мукофот билан табриклаймиз.

Яқинда Қамчибек Кенжа «Андижондан Боғдодгача» номли янги асарини ёзиб тугатди. Унда Яқин Шарқ ва Арабистон ярим оролидаги мамлакатларда яшаган буюк аждодларимиз ҳаёти ва ижодини ўрганиш юзасидан олиб борилган изланишлар тўғрисида ҳикоя қилинади. Қуйида ана шу сафарномадан парча ўқийсиз.

Қамчибек КЕНЖА

«АНДИЖОНДАН БОҒДОДГАЧА»

ШЕРОЗ



Шероз! Шерозийлар ватани, шеърият гулшани, бадиият мулки! Узоқ-узоқ кишвару минтақалардаги казо-казо шоирлар қалбидан муқим жой олган шаҳар! «Шероз қанча бўлмасин кўркам...» Демак, унинг кўрки, малоҳатини ўрис шоири ҳам тан олган, тан берган, гарчи унга «азиз ўлка Рязан» бўлса ҳам...

Ёзишларича, Шерозда гўзал боғлар, хиёбонлар азалдан кўп бўлган. Бинобарин, Ҳофизнинг Шероздан оқиб ўтадиган Рукнобод дарёси бўйларига жойлашган сўлим Мусалло боғлари жаннатда ҳам топилмайди, бу оламда Шерознинг ҳам ўхшаши йўқ, у бемисолдир, дея таърифлаши, ўз туғилган шаҳрини эҳтиром ва эҳтирос билан мадҳ этгани бежиз эмас, албатта. Балки Саъдию Ҳофизлар қалбига чўғ, завқу сурур солган, кейин уларнинг онги идроки, зеҳн-заковатини маърифату зиёга тўйинтирган манбалар Шерознинг ана шу ҳусни латофати, оромбахш, илҳомбахш табиати, шаҳардаги бой кутубхона — илму урфон булоғидир?! Шероз номининг Мағрибу Машриққа таралишида эса, шубҳасиз, ул икки қалам сеҳргарининг ҳиссалари беқиёсдир. Хуллас, қадимдан Шероз адабиёт, санъат ўчоқларидан бири бўлган, у ерда миниатюра мактаби ҳам ривожланган.

Ҳа, Шероз ўша даврларда бошқа шаҳарларга нисбатан тинч ва осойишта, фаровон эди, шунинг учун ҳам Шарқнинг кўп жойларидан аҳли илм, шоирлар келиб қўним топадилар. Лекин кейинроқ, айни Ҳофиз Шерозий яшаган йилларда унинг суюкли, азиз ватани босқинчилар томонидан бир неча марта қамал қилинади ва минг-минг бегуноҳ кишилар қатл этилади. Бу мислсиз фожиалар муҳаббат, гўзаллик ва нафосат куйчиси Ҳофиз қалбини ларзага келтиради, у аламу изтиробларга тўла сатрлар («кўзадан май қуйгандек қон тўкувчи замон») битади. Умуман, ғусса ва бесаранжомликлар, адолатсизликлар, ҳукмдорлар орасидаги доимий низо ва тож-тахт талашишлардан зада бўлган, одамзотнинг ноаҳил, беоқибат, жоҳилу нодонлигидан куйган шоир юраги исён кўтаради:

Топмадим бу олами
хокида асло одами,
Бошқа одам, янги олам
қайтадан тузмоқ
керак...

Ҳофиз орзу қилган замонлар келди, ҳарқалай, олам ўзгарди, Шерозга яна омонлик, маъмурлиғу фаровонлик ёр ўлди.

Тоғлар бағридаги Шероз кўчалари чорраҳаларда туташиб, яна ажралиб кетарди. Икки тарафда бир ёқлама қатновга мўлжалланган йўл бўлиб, ўртада хиёбон, унда ҳар хил, асосан хурмо дарахтининг қилич барглари залворли чайқалиб туради.

ҲОФИЗ ШЕРОЗИЙ

Ҳофизнинг тўла номи Шамсуддин Муҳаммад Хожа Ҳофиз бўлиб, ҳофизшуносларнинг унинг туғилган йили номаълум, ҳар ҳолда, 1300 йиллар бошида, деб тахмин қилишган. Кейинги тадқиқотларда бу сана 1325 йил деб қайд этилмоқда.

Оддий косиб оиласида дунёга келган Ҳофиз етимликда ўсиб, ҳаётнинг кўп аччиқ-чучугини тотган, фақирона кун кечирган, аммо ниҳоятда ғурурли бўлган, шоҳлар илтифотига учмаган, ҳамиша қаламни дўст тутган, унга суянган, қалам эса уни жаҳон шоири мақомига, дунё лирикларининг пешвоси даражасига кўтарган. «...Ишқнинг фонийлик майхонасида ҳақиқат майидан маст бўлган риндлар сирдоши. Миллат ва диннинг қуёши» (Алишер Навоий), қат-қат пардали ғазал устаси Хожа Ҳофиз Абдураҳмон Жомий ва Алишер Навоийни, Гёте ва Гейнени, Пушкин ва Лермонтовни, Фет ва Есенинни, бошқа кўплаб жаҳон микёсидаги сўз заргарларини қойил қолдирган, ром этган ва ўз ортидан эргаштира олган фавқулодда истеъдод ва ижодий омад эгасидир.

Ҳофиз, асосан, туғилган масканида яшади, лекин ғаразгўйларнинг туҳмат ва чақуви боис Шероз ҳокими Шоҳ Шужонинг тазйиқига учраб, анча муддат бошқа юртларда, жумладан, Язд шаҳрида мусофирликда кун кечирди, умри охирида Шерозга қайтиб, 1389 йили шу ерда вафот этди.

Ҳофиз Шерозий хотира ёдгорлиги шаҳарга кираверишда бўлиб, бу мажмуа хиёбон шаклида. Дарвоза рўпарасидан кетган йўлак хиёбонни иккига бўлиб турар, ҳар икки тарафда тартиб билан экилган арчалари атрофга шукуҳ бағишлаган. Қатор қўйилган ўриндиқларда зиёратчилар ўзаро суҳбат билан машғул.

Эллик қадамчадан кейин баландликка — кўндалангига узун, икки ёни ҳар турли бинолардан иборат усти ёпиқ шийпон майдонига чиқилар, ундан яна зиналар орқали уч томони девор билан ўралган боғ-хиёбонга тушиларди. Хиёбон ўртасидаги махсус тепаликда Ҳофиз Шерозийнинг 8 та тош устундан тикланган, шифти — гумбаз ости нилий бўёқлар билан зийнатланган мақбараси алоҳида ажралиб туради. Устунлар ўртасидаги қаймоқранг мармар сағана нақшланган, тепаси ва ён деворларига Ҳофиз байтлари битилган.

«Ҳофизнинг жасади ўзи севган Мусалло боғига дафн этилган, халқ бу жойни зиёратгоҳга айлантирди ва боғнинг Ҳофиз дафн қилинган қисмини Ҳофизия деб атади», дея хабар берилади ҳофизшуносликка бағишланган китобларда. Ушбу мозорни Соҳибқирон Амир Темурнинг набираси, адабиёт, маънавият ва маърифат ҳомийси Абулқосим Бобур обод қилдирган. «Унинг (Абулқосим Бобурнинг — Қ.К.) топшириғи билан Мавлоно Муҳаммад Муаммои мақбара қурган, — деб ёзади шарқшунос Ш.Шомуҳамедов. — Кейин Эрон ҳукмдорларидан Каримхон Занд (1811) ҳозирги сағанани қурдирган». Бизнингча, у мақбарадан асар ҳам қолмаган ва замонавий кўринишдаги ҳозирги марқаднинг бунёд этилганига ҳали кўп вақт бўлмаганини тахмин қилиш мумкин.

Ҳофиз Хоразмийни суриштирамиз. Боғ тўрисидаги Ҳофизшунослик маркази бугун жума бўлгани сабабли берк экан. Муҳаммад Содиқ билан китоб, газета дўконлари сотувчиларидан сўраймиз — елка қисишади.

Боғ-хиёбон маъмури ҳам йўқ экан, анча кутдик, келмади.

Меҳмонхона изладик. Кўчалар кенг, бир томонлама, нечукдир қатнов бошқа шаҳарлардаги каби тирбанд эмас, халқ ҳам камга ўхшарди — дам олиш кунилиги учун шундайдир. Эҳтимол, бу сокинликка улуғ шоирлар руҳи боисдир...

● Таълим ва ислоҳот

Мураббийлар қувончи



Кўпчилик томонидан устоз деб эъзозланадиган, зиммасига келажак масъулиятини олиб яшаётган ўқитувчи буюк келажагимиз йўлида бор куч-ғайратини сарфлайди. Мамлакат тараққиёти ва давлат фаровонлиги йўлида хизмат қилаётган бу касб эгаларига, тўғриси, таълим-тарбия жараёнига бўлган эътибор мустақиллик йилларида тубдан ўзгарди. Ҳақиқатан ҳам истиқлолимизнинг ҳар бир йили ўқитувчилар ҳаётида муносиб из қолдирмоқда.

Пойтахтимизнинг Собир Раҳимов туманидаги 16-умумтаълим мактаби жамоаси учун ҳам мустақиллигимизнинг 15 йиллиги байрами эсда қоларли бўлди. Ушбу мактабнинг собиқ ўқувчиси, айни пайтда Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси "Ўзбекистон" телеканалида фаолият кўрсатаётган Шерзод Мирпўлатовнинг мамлакатимизда амалга оширилаётган маънавий-маърифий ва ижтимоий ислоҳотлардаги фаол иштироки, самарали меҳнати, ёш авлодни Ватанга муҳаббат, миллий ва умуминсоний қадриятларга садоқат руҳида тарбиялаш ишига қўшган ҳиссаси учун "Шуҳрат" медали билан тақдирлангани ҳақидаги хабар мактаб жамоасини руҳлантириб юборди.

Юрт келажагини таъминлайдиган ёш авлодга мукаммал билим беришдек юксак вазифани аъло даражада бажараётган ушбу ўқув маскани жамоасининг тажрибаси бугун нафақат пойтахт, балки республикамизнинг кўпгина мактабларига ҳам ўрнак бўлмоқда. Мактаб ўқувчилари турли фан олимпиадаларида ҳамда турли хил кўрик-танловлардаги асосий ўринларга анъанавий равишда даъвогарлик қилиб келишмоқда. "Маҳалламиз болалари", "Сиз қонунни биласизми?" ва турли спорт мусобақаларида қўлга киритилган ютуқлари фикримизнинг исботидир.

Мустақиллигимизнинг 15 йиллиги байрами арафасида Халқ таълими вазирлиги тизимда ёш авлодни Ватанга муҳаббат, истиқлол ғояларига садоқат руҳида ҳар томонлама соғлом ва баркамол, маънавий етук ва жисмонан соғлом қилиб тарбиялашда қўшган улкан ҳиссаси учун бир гуруҳ устоз-мураббийларни "Халқ таълими аълочиси" мукофоти билан тақдирлади. Улар орасида 16-умумтаълим мактаби директори Мирзиёд ака Мирпўлатовнинг ҳам борлиги мактаб жамоаси учун қувончли бўлди.

— Ушбу мукофотни фақат менга эмас, балки бутун жамоамизга, юрт равнақи йўлида чарчамай хизмат қилаётган касбдошларимга берилган деб биламан, — дейди Мирзиёд ака. — Бугунги эришаётган ютуқларимизнинг ҳаммаси мустақиллигимиз, давлатимизда олиб борилаётган оқилона ислоҳотлар самарасидир. 30 йиллик иш фаолиятим даврида ўқитувчилар ва мураббийларга бўлган эътибор ҳеч қачон истиқлол йилларигидек бўлмаган. Шу боис ҳам бугун касбимизнинг нуфузи ортиб бормоқда.

Баходир ФАЙЗИЕВ.

● Ижодкорнинг янги асари

КУЛГУНИНГ ЗАВҚИ ЎЗГАЧА

Инсон кулгу орқали маънавий-руҳий завқ олади, мириқиб кулганида ҳаётий ташвишларини бир лаҳзага бўлса-да, унутади. Ижодкор-ношир Жаҳонгир Пирмуҳамедовнинг «Алломалар ҳақида ҳангомалар» деб номланган мўъжазгина китобчасини ўқиш мобайнида шу нарсага амин бўлдим.

«Ўзбекистон» нашриёти чоп этган ушбу китобда муалиф ўз ҳаёти, фаолияти давомида ҳамкасблари ва танишлари билан бўлиб ўтган кулгили ҳангомаларни қаламга олган. Ёзувчи уларнинг феъл-атворлари, хатти-ҳаракатлари, гап-сўзларини синчковлик билан кузатган кўринади. Шунинг учун бўлса керак, кўрган-билганлари ҳақида завқ ва самимият билан ҳикоя қилади. Улар ҳаётидаги антиқа воқеалар тўғрисида кўпгина латифалар ҳам тўқилган. Китоб қаҳрамонларининг кўпчилиги ижод аҳлига яхши таниш. Масалан, улардан бири шоир Толиб Йўлдош. Доимо одми кийиниб юрган, ҳаётда ҳам, ижодда ҳам оддий халқнинг бир вакили сифатида яшаб ўтган бу машрабнамо ижодкорнинг юриш-туриши, гаплари, гарчи у ўзини доим жиддий тутиб юрса ҳам, кулгили, завқли эди. Толиб ака ҳақида кўпгина ёзувчилар, жумладан, Носир Фозилов, Шодмон Отабоев ва яна бир қанча ижодкорлар ҳам ҳикоялар ёзишган. Жаҳонгир Пирмуҳамедов ҳам шоирнинг яқин кишиларидан бири сифатида бу «Толибнома»ни ўз ҳикоялари билан тўлдирган.

Китоб қаҳрамонлари фақат ёзувчиларгина эмас, республикамизга машҳур бўлган атоқли олимлар ҳамдир. Турли соҳаларнинг билимдонлари бўлган бу инсонларнинг ҳаёти, улар билан юз берган кулгили воқеаларни кўпчилик билмайди, бу ҳақда ёза билиш учун эса ижодкорда ўткир кўз ва яхшигина бадиий маҳорат бўлиши керак. Муаллиф бу ишнинг уддасидан чиқа олган, китобга киритилган ҳангома-ҳикояларни ўқир эканмиз, атоқли олимларимиз — Саъди Сирожиддинов, Убай Орипов, Ёлқин Тўрақулов ва бошқалар билан юз берган антиқа ҳолатлар билан танишамиз, муаллифга қўшилиб мириқиб куламиз. «Ойбекнинг кулгиси» деб номланувчи ҳангома эса ўқувчиларда табассум билан бир қаторда ҳаётининг сўнгги кунларида замон ноҳақликларидан азият чеккан атоқли адибга нисбатан қайғуриш ҳиссини ҳам уйғотади.

Китобга кирган ҳикояларнинг бир қисми муаллифнинг «Ўқитувчи» нашриётидаги кўп йиллик ҳамкасблари, маҳалладошлари ва дўстлари ҳақидадир. Китобхонлар мутолаа давомида бу самимий ва кўнгли кенг инсонларни яқиндан таниб олишади, уларнинг антиқа хатти-ҳаракатларидан огоҳ бўлишади. Замондошлари ҳаётини бу қадар зийраклик билан кузатиб, оддий туюлган воқеа ва ҳодисалардан кулги чиқара олиш муаллифнинг катта ҳажвий-юмористик истеъдодидан дарак беради. Тўпламга латифалар, лофлар, масаллар ҳам киритилган. Жанр жиҳатидан бундай хилма-хиллик китобни тўлдириб, унинг ҳам мазмун, ҳам шакл жиҳатидан ранг-баранг бўлишига хизмат қилган. Китобга сўзбоши ёзган истеъдодли олим ва ношир Маҳмуджон Сатторов таъкидлаганидек, «Алломалар ҳақида ҳангомалар» билан танишгач, ҳаётсеварлигингиз ортиши турган гап. Китобни қидириб топиб, ўқишни унутманг, у шунга арзийди.

Мухтор ХУДОЙҚУЛОВ.

● Билиб қўйган яхши

Қалин, тим қора, узун сочга ҳамма ҳавас билан қарайди. Қадимдан ўзбек аёллари табиий сочлари билан бошқалардан ажралиб туришган. Ҳозир эса мода кетидан қуваётган аёлу қизларга қараб уларни эркаклардан ажратолмай қоласан баъзан. Шундай бўлса-да, аёлларимизга кичик бир маслаҳатимиз бор.

СОЧИНГИЗНИ САҚЛАНГ

Агар сочингиз табиий рангини йўқотган, нурсизланиб, жонсизланиб қолган бўлса, бундай сочни дарҳол даволаш шарт.

Соч гўё кўзгу, дардингизнинг, ҳатто кайфиятингизнинг аксидир. Сўнгги йилларда соч касаллиги анча кўпайиб кетди. Бола туғилгандан кейинги гармонал ўзгаришлар, ички касалликлар, хафагарчиликлар бунинг асосий сабабларидир.

Сочни сақлаб қолиш учун баъзан шифокорнинг бир маслаҳатигина кифоя қилади. Бунинг учун сочингизнинг соғломлигини билишингиз керак. Бу қийин эмас: соч ёғли, ёғсиз ва ўртача (нормал) бўлади. Сиз сочингиз қайси тоифага киришини билган ҳолда, яна шу нарсани эсда тутинг: сочнинг физиологик ўзгариши йил бўйи давом этади, бир кунда қирқ дона соч толаси тўкилиши керак. Бош териси тоза ва соч эластик бўлиб, шишиб турса, демак, оддий гигиена қоидаларига риоя қилсангиз бас.

Энг ёмони нотўғри парваришдан сочнинг тўкилишидир. Бошни ҳафтада бир марта ювиб, турли хил доривор ўтларнинг (қайнатилган) сувига чайиш лозим. Ишқори кам бўлган совун ва шампундан фойдаланишингиз, қуритишда эса сочни фен билан эмас, очиқ ҳавода, намлигида тарашингиз даркор. Ухлаётганингизда (кечаси) бигудини бошингизда асло қолдирманг. Сочингизни қанча кўп тарасангиз, шунча яхши. Айниқса, эрталаб ва кечқурун шундай массаж зарур бўлади.

Ёшлар орасида ёғли соч кўп учрайди. Бундай сочни тез-тез ювиш керак, деган фикр нотўғри. Аксинча, улар борно-тимолли ёки болалар совуни билан бош ювишлари, ҳафтада икки-уч марта «Биол», «Био-2», «Л-102», «Кармазин», «Тербосульфан», «Хинная вода» каби витаминли суюқликларни бош терисига суртиши керак.

Қуруқ сочни тухум сариғига ювиш энг яхши усулдир. Ундан аввал илиқ ўсимлик ёғи ёки «Особий», «Прима», «Поприн» кремларини суртиш эса жуда фойдалидир. Крем суртилгандан сўнг бошни 1,5-2 соат полиэтиленга ўраб қўйиш керак. Ёзда қуёшдан эҳтиёт бўлинг. Сочингиз қуриб, нурсизланмасин. Соч «гулласа» вақти-вақти билан учини кесиб туринг.

«Химиявий жингалак қилиш зарарми?» деб сўрашади кўпчилик ёшлар. Бундай усуллар зарар, соч ёғсизланади ва ингичкалашади. Агар сочингиз қуруқ бўлса, «химия»дан воз кечинг, ёғли бўлса бир йилда икки мартадан кўп «химия» қилманг.

Сочни бир кунда ҳам жингалак қилдириб, ҳам бўятиш асло мумкин эмас. Перманентни икки ҳафтадан сўнг амалга ошириング. Сочни чайиш учун махсус балзамлардан фойдаланганингиз маъқул. Улар сочни яхши сақлайди ва майинлаштиради.

Уй шароитида эса тухум сариғини ишлатиш қулай ва осондир. Тухумни икки марта нам сочингизга суртинг ва ҳар сафар илиқ сув билан яхшилаб чайинг.

Адибахон РАҲМАТУЛЛАЕВА тайёрлади.

● Руҳий тест

ЭҲ, ШИРИН ХАЁЛЛАР...

Инсонга ажойиб имконият ато этилган. У хаёл қанотларида парвоз этиб, кўринмас қасрлар бунёд этади, ажойиб-ғаройиб оламларни яратади. Юлдузларга ҳам етади, кези келганда хаёл қуввати ила бутун коинотни ағдар-тўнтар қила олади. Хаёл суриш инсонга руҳий қувват бағишлайди, чарчоғини олади.

Сиз хаёл суришни ёқтирасизми? Бу ҳақда билишни истасангиз, қуйидаги саволларга жавоб излаб кўринг.

1. Хаёл суришни ёқтирасизми?
2. Хаёлларингиз ҳаётда рўёбга чиқадими?
3. Ўзингизни ишбилармон деб ўйлайсизми?
4. Ширин тушлар кўрасизми?
5. Доимо кайфиятингиз чоғ бўладими?
6. Муҳаббат ҳақидаги фильмларни севиб томоша қиласизми?
7. Тўсатдан хаёлингизга келган фикрни кўп ўйлаб ўтирмай, ҳаётга татбиқ эта оласизми?
8. Бирдан ҳамма нарсани ташлаб, сирли ва ғаройиб жойларга кетиб қолгингиз келадими?
9. Оқ атиргулни ёқтирасизми?
10. Дарсда, ишда хаёл суриб ўтирасизми?

Энди жавобларни ҳисобланг:

- Ҳа-4 балл.
- Йўқ-1 балл.
- Баъзан-2 балл.
- Тез-тез - 3 балл.

Ўзингизни танидингизми?

30-26 балл.
Сиз ҳақиқий хаёлпарастсиз. Хаёлларингиздан ортиб, теварак-атрофга назар ташлашга эринасиз. Бироз ишбилармонроқ бўлинг, ширин хаёллар билан қорин тўймаслигини ҳам унутманг.

25-17 балл.
Сиз хаёл суришни яхши кўрасиз, аммо ҳаёт ҳақида жиддий ўйлай оласиз. Хаёл ва ҳаёт чегарасини аниқлай олишингиз ўз келажагингиз ҳақида ширин хаёллар суришингизга халақит бермайди.

16-12 балл.
Сиз ишбилармонсиз. «Вақтинг кетди-нақдинг кетди», деган мақолни ишлатишни яхши кўрасиз. Аммо бўш вақтингизда тирикчилик ҳақида ўй суришни ёқтирасиз.

11-8 балл.
Сизда хаёлпарастликдан асар ҳам йўқ. Ҳар бир ишни ўз вақтида, аниқ, пухта бажариб, атрофингиздагиларнинг ҳасадини келтирасиз. Майда-чуйда хаёллар билан бошингизни оғритишни истамайсиз. Ишхонада «супер» ишбилармонсиз.

ФАЙЗИБОНУ тайёрлади.

ФОЙДАЛИ МАСЛАҲАТЛАР

Истеъмолда сут маҳсулотлари билан балиқни аралаштирманг. Чунки улар қўшилса, қон таркиби бузилиши мумкин.

* * *

Асални қайноқ чой ёки сувга солиш ярамайди. Чунки эллик даражадан юқори иссиқ сувда асал таркибидаги минераллар ўлади.

Халқ табобати

* * *

Ётишдан аввал қовун ейиш ошқозонга оғирлик қилади. Чунки у ҳазми оғир егуликлар сирасидандир. Халқимиз «Қовун есанг, саҳар е, саҳар емасанг заҳар е» деб бежиз айтмаган.

* * *

Тиббий дори воситаларини чой билан ичмаган маъқул. Чунки чой таркибида дорининг кучини қирқувчи моддалар бор.

* * *

Овқат ва чой бир оз совутиб истеъмол қилинади. Тиббиёт ҳам қайноқ егуликлар қизилўнгач ва ошқозоннинг яллиғланишига сабаб бўлишини таъкидлайди.

* * *

Таом истеъмол қилаётиб чой ичмаган маъқул. Чунки чойнинг таркибида овқат қувватини қирқадиган моддалар мавжуд. Тиббиёт ходимлари камқонликнинг сабабларидан бири таомни чой билан истеъмол қилишда деб билишади. Таом билан шарбат ичилса анча фойдалироқ бўларкан.

* * *

Шафтоли баргининг қайнатмаси иситмани туширади.

* * *

Хом бақлажон қандли диабет касаллигига шифодир.

● Ўқинг, қизиқ

34 қаватли телефон бино

Ҳозирда Австралиянинг Мельбурн шаҳрида уяли телефон шаклидаги улкан уй қурилмоқда. Мазкур уйнинг баҳоси 40 млн. АҚШ долларига баҳоланган. Иморат лойиҳасининг муаллифи австралиялик Жон Ильхан ҳисобланади. Қурилаётган бинонинг худди уяли телефондек экрани, антеннаси ва клавиатураси ҳам бўларкан. Иморатнинг баландлиги тахминан 120 метр бўлиб, икки ва тўрт хоналардан таркиб топган. Бино 34 қаватдан иборат бўлиб, жами 166 та чиройли тарзда безатилган хоналарни ўз ичига олган. Шунингдек, бинода одам истиқомат қиладиган хоналардан ташқари коммуникация компанияларининг анжуманлар зали ҳам бўлиши лойиҳадан ўрин олган.

Ўзига хос тарзда қад ростлаётган бино 2006 йилнинг охирида фойдаланишга топширилиши керак.

Насиб этса австралияликлар уяли телефон шаклидаги уйда яшайдилар. Бу бинонинг кўпчиликка манзур бўлиши кутилмоқда.

Автоматларда сотиладиган «сотка»

«Vodafone» телекоммуникация компанияси ақл бовар қилмайдиган савдо автоматларини яратди. Аниқроғи, оддий пластмасса идишда газланган сув, газета, батарейка каби турли кичик-кичик маҳсулотлар — маиший хўжалик буюмлари сотиладиган дўконларда эндиликда уяли телефонларни сотиш ҳам йўлга қўйилади. Бундай савдо шаҳобчалари дастлаб Манчестер шаҳрида қад ростлади. Шунингдек, компания раҳбарияти киоскфон савдо автоматлари яқин кунлар ичида Британиянинг барча темир йўл вокзаллари, автобус бекатлари, аэропортлари, савдо марказларида ҳам қурилажагини таъкидлаган.

Энг ажабланарлиси, мижозлар бу каби дўкончалардан фақат уяли телефон аппаратларини сотиб олиш билан чекланмайдилар, балки унга уланишади ҳам.

Беҳзод ҚОДИРОВ тўплади.

Глазго — сайёҳлар учун манзур шаҳар

AFP ахборот агентлиги хабарига кўра, Шотландиянинг Глазго шаҳри Буюк Британиядаги энг яхши туризм шаҳри, деб тан олинди.



Нуфузли «Conde Nast Traveller» сайёҳлик журнали томонидан ўтказилган сўровларнинг натижаси ана шундай. Журнал ўқувчилари Глазгодаги тунги ҳаётнинг жонлилиги, меҳмонхоналар тармоғининг ривожланганлиги ва ниҳоят, глазголикларнинг меҳмондўст эканликларига алоҳида эътибор қаратган. 2005 йилги рўйхатни бошқарган Лондон эса бу йил учинчи поғонага тушиб кетди. Иккинчи ўринни эса Эдинбург шаҳри банд этган.

Буюк Британия ҳудудига кирмайдиган шаҳарлар орасида эса Рим биринчи ўринни эгаллаган. Шунингдек, журналхонлар томонидан Италия дам олиш учун энг қулай мамлакат сифатида эътироф этилган. 2005 йилда бу рейтингни Нью-Йорк ва Янги Зеландия бошқарган эди.

Эрон ва ЕИ келишувга эришиши мумкин

Эрон Миллий хавфсизлик олий Кенгаши бошлиғи Али Ларижони ва Европа Иттифоқининг ташқи сиёсат ва хавфсизлик масалалари бўйича вакили Хавьер Солано ўртасидаги учрашув 6 сентябрь куни Венада ўтказилиши мумкин, деб хабар беради АР.

Бу Эрон ядро муаммосининг биринчи маротаба кўтарилиши эмас. Мутахассисларнинг фикрига кўра, Эроннинг халқаро санкциялардан қутулиб қолишидаги энг сўнгги имконият бўлган музокаралар бундан олдин ҳам бир неча маротаба қолдирилган эди.

31 август куни Эрон раҳбариятига уранни бойитишни чеклаш учун берилган сўнгги муддат ниҳоясига етди. БМТ Хавфсизлик Кенгашининг бу борадаги резолюцияси тўла амалга оширилмади. Эрон атом энергияси агентлиги раҳбари ўринбосари Муҳаммад Саидий Эрон МАГАТЭ назорати остида уранни бойитиш устидаги ишларини давом эттиришини маълум қилган.

Қурол ташишга чеклов

Баъзи Европа мамлакатлари, жумладан, Буюк Британия, Германия ва Италия Исроилнинг «El Al» авиакомпанияси самолётларига ўз аэропортларидан ёнилғи олишини тақиқлаб қўйди.



Ушбу тақиқ АҚШдан Исроил мудофаа армияси учун қурол-яроғ ортган юк самолётларига тегишлидир. Бу ҳақда Исроилнинг «Haaretz» газетаси хабар беради.

Газетада ёзилишича, «El Al» авиакомпанияси учувчилар касаба уюшмаси раҳбари Этай Регев Исроил бош вазири Эхуд Ольмерт ҳамда мудофаа, молия ва туризм вазирларига шикоят қилган. Этай Регевнинг фикрича, ушбу тақиқ сиёсий мақсадларни кўзда тутади. У Исроил мудофаа армияси учун қурол-аслаҳа ортган самолётлар энди кўпроқ ёқилғи ғамлаб олиш мақсадида камроқ юк билан ҳавога кўтарилишини ҳам таъкидлаган.

Регев юзага келган вазиятни "давлат хавфсизлигига берилган жиддий зарба" деб баҳолаган. Шу йилнинг июль ойида Буюк Британия ташқи ишлар вазири Маргарет Беккет АҚШни Исроил учун "ақлли бомбалар" етказиб бериш учун киритилган талабларни бузганликда айблаган эди.

"Ҳизбуллоҳ" ва Исроилни яраштиришга уриниш

БМТ Бош котиби Кофи Аннан "Ҳизбуллоҳ" жангарилари томонидан асирга олинган икки нафар исроиллик аскарни озод қилиш йўлида икки томон ўртасидаги музокараларда воситачи тайинлаш истагини билдирган.

Хабар берилишича, ушбу баёнот Исроил турмаларида сақланаётган асирларни аскарларга алмаштириш имкониятини оширган. Шу вақтга қадар расмий Тель-Авив бундай алмаштиришларга рози бўлмай келаётган эди.

— Ҳар икки томон ҳам ушбу муаммонинг ечимида Бош котибнинг ёрдамига таянишини билдирган, — деди Кофи Аннан Саудия Арабистонининг Жидда шаҳрида ўтказган матбуот анжуманида. — Мен улар билан ушбу муаммонинг тинч ҳамкорликда ечилиши учун кимнидир тайинлайман".

Интернет хабарлари асосида тайёрланди.

Муассис: «Миллий тикланиш» демократик партияси

MILLIY TIKLANISH — Миллий тикланиш — миллат келажаги

Таҳрир ҳайъати

ТЕЛЕФОНЛАР:
Қабулхона — 133-67-51
Бўлимлар — 136-58-73
Реклама ва эълонлар бўлими — 136-58-73

Манзилимиз: Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй

Газета таҳририят компьютер базасида терилди ва саҳифаланди.
Босишга топшириш вақти 20.00
Нашр кўрсаткичи — 158

Газета 014-рақам билан рўйхатдан ўтган.
Буюртма: Г — 1123.
Ҳажми 2 босма табоқ.
Адади 2108
Сотувда эркин нархда

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.
Манзил: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй

Босишга топширилди 21.00